

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

1
2022

FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ u ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал
2022/1 (№21)

Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадрини учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буюн ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.

Албатта, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашини назарда тутамиз.

Инсон қадрини деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишини, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришини тушунаемиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Журналимизнинг мазкур сонида Ўзбекистон миллий университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт тамойилларини амалга ошириш жараёнининг долзарб масалалари” мавзuida 2022 йил 10 июнда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

Таҳрир хайъати:

М.Н.Абдуллаева -

ф.ф.д., профессор

Б.Т.Тўйчиев -

ф.ф.д., профессор

Ж.С.Рамагов -

ф.ф.д., профессор

Г.Т.Махмудова -

ф.ф.д., профессор

В.Р.Топилдиев -

ю.ф.д., профессор

Қ.Н.Назаров -

ф.ф.д., профессор

Р.Ж.Рўзиев -

ю.ф.д., профессор

А.Ў.Ўтамуродов -

ф.ф.н., профессор

Ў.Ф.Гиладов -

ф.ф.д., DSc

Бош муҳаррир:

А.Г.Муминов -

с.ф.д., профессор

Му а с с и с: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,

Университет кўч., 4.

<https://nuu.uz/falsafa-va-huquq-jurnali/>

E-mail: falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz

ISSN 2181-7294

Босишга 20.07.2022 да берилди

*Бичими 60x84 Offset қозоғи. ЎзМУ босмахонасида
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 23,75
б.т. Нашириёт ҳисоб табоғи 30 б.т. Адади 50 нусха.
Буюртма № 177*

Журнални нашрга тайёрловчилар
Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев

Каланова С. М.	<i>Жамиятда авлодлар алмашинувининг социологик моҳияти</i>	106
Сейтов А.П., Саидахматова М.К.	<i>Развитие ИКТ в Узбекистане как вектор развития теоретической мысли</i>	110
Мамарасулов У. У.	<i>Sport qoidalarining estetika me'yorlari asosidagi tavsifi</i>	114
Султонова Н.Э.	<i>Ижтимоий ҳаётда фарзанд учун ота-она ибрати, меҳр- муҳаббати ва жамиятда тутган ўрни</i>	116
Абдиев Ғ.Э.	<i>Ёшлар сиёсий онгини ривожлантиришида миллий қадриятларнинг ўрни</i>	123
Уринбоев Д.Т.	<i>Ёшларда ҳуқуқий менталитетни шакллантиришининг фалсафий масалалари</i>	127
Тоғасев Ш.Х.	<i>Миллий гоя ва мафқуранинг фалсафий-онтологик мазмуни</i>	130
Қалқонов Э.Т.	<i>Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликни ривожлантиришининг ижтимоий фалсафий масалалари</i>	134
Бобоқулов Ш.О.	<i>Ер-ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури сифатида</i>	138
Ғаффарова Ғ.	<i>Фанлараро ёндашув йўналишлари: фалсафий таҳлил</i>	141
Иззетова Э.М.	<i>Интеграция научных дисциплин в контексте трансдисциплинарной методологии</i>	145
Ботирова Х.Э.	<i>Мустақиллик даврида аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиши</i>	151
Юсувалдиева Р.Ю.	<i>Умумҳуқуқий тамойиллар – ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида</i>	155
Равшанов А.С.	<i>Қишлоқ ва сув ҳўжалиги учун етук кадрлар тайёрлаш сиёсатининг концептуал асослари</i>	160
Қандов Б.М.	<i>Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишида ҳуқуқий таълимнинг ўрни</i>	164
Қўйилев Т., Рахмонбердиева Н.	<i>Минтақа хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мезонидир</i>	168
Ташметов Т.Х.	<i>Миллий гояни ёшлар онгига сингдиришининг илмий-фалсафий жиҳатлари</i>	172
Исмийилов А.З.	<i>Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий онгининг фалсафий онтологик асослари</i>	176
Адамбаев У.Х.	<i>Аргументлаш ва ишонч-этиқоднинг шаклланиши</i>	180
Махмудов М., Бердиев А.	<i>Маънавиятнинг ижтимоий омилларини оптималлаштириши – давр талаби</i>	184
Ражабов Ж.	<i>Жамият модернизациялашуви шароитида сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўрни</i>	187
Халилов Ж., Ахмедов А.	<i>Соглом авлод камолоти – ислоҳотлар мақсади</i>	190
Маматқулов Э.	<i>Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириши</i>	193

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА АГРАР СОҶА МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ**Ботирова Ҳ.Э.–***ТҚҲММИ миллий тадқиқот
университети доценти в.б.*

Ҳар бир давлат халқига етарлича турмуш шароитини яратиш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллаш мақсадида ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилайди. Шу жумладан, ёш Ўзбекистон давлати ҳам бозор иқтисодиётига ўтар экан, ўзининг йўлини танлашга мажбур эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари манфаатларига хизмат қилувчи янги мазмундаги тузилмалар ташкил этишваулар фаолиятини самарали йўлга қўйиш соҳа ривожининг муҳим омилларидан биридир”. Янги танланган йўл мамлакат иқтисодиётини кўтариши, бинобарин ишсизлик даражасини пасайтириши ва аҳоли турмуш даражасини ошириши лозим эди.

1991 йилда Республика аҳолисининг 60 фоиздан кўпроги қишлоқ жойларида яшар эди. Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг салмоги юқори эди. Чунончи, Россия ва Беларусда 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 24 фоиздан сал кўпроқни, Қозогистонда 33,2 фоизни ташкил қилса, Ўзбекистонда эса 43,1 фоизни ташкил қилди. Республикадаги жами аҳолининг ярмидан кўпроги - болалар, ўқувчи ёшлар, нафақадорлар, яъни ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож табақалар бўлган. Республикада оиланинг ўртача сони 5,5 кишидан иборат бўлган, бир қанча вилоятларда эса 6 кишидан ошган, ваҳоланки, бу кўрсаткич МДҲнинг Европа қисмидаги мамлакатларда 3,2 кишини ташкил этган эди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, қишлоқларимизда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли одам бўлган. Ачинарли томони, 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизига яқини тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст даромадга эга эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизга яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолган эди[1].

Шунинг учун истиқлол йилларида қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида замон талабларига мос келадиган, пухта ўйланган қарорлар қабул қилиш лозим эди. Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашнинг асосий омили аҳолининг кундалик эҳтиёжларни қондириш, шу асосида қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ишга муносабатини тубдан ўзгартириш, ерга меҳри кучайтириш, касбий садокатни кучайтириш масаласи муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, ичимлик суви, электр ва газ билан таъминлаш, аҳоли ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг онг-тафаккурини ўстириш долзарб масалага айланди.

Ўзбекистон пахтасини экспорт қилишда катта қийинчиликлар вужудга келганлиги боис бу соҳага эътибор йилдан-йилга камайтириб борди. Пахта экспортининг қисқариши натижасида қишлоқ хўжалигида юз минглаб ишсизлар пайдо бўлди. Бу ҳолат, айниқса қишлоқларда ўз таъсирини кўрсатди. Пахта экин майдонларининг қисқариши, пахта етиштиришни режа асосида камайиши бир томондан бошқа экин турларини кўпроқ экишга имконият яратсада, иккинчи томондан, агроном мутахассисларга эътиборнинг камайиши барча турдаги қишлоқ хўжалик экинларининг навлари, сифати ва ҳосилдорлик даражасининг пасайишига сабаб бўлди. Пахтачиликда ишлаб келаётган минглаб кишилар иш ахтариб хўжаликнинг бошқа соҳаларига жойлашдилар.

Мулкчилик шакллариининг кўпайиши натижасида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш учун катта имкониятлар яратилди. Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтириш масаласига эътибор кучайтирилди. Касаначилик ва оилавий бизнес билан шугулланувчи тадбиркорлар ўз лойиҳалари билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётга кириб келдилар.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислохотлар ўз натижасини бера бошлади. Хусусан, Сурхондарё вилоятида 1997 йилда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 32612,5 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб, бу кўрсаткич 48361,6 миллион сўмни ташкил этди[2]. Бу эса, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг турмуш даражасини оширишда ижобий роль ўйнади.

Шундай бўлсада, Сурхондарё қишлоқларида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш оқсамоқда эди. Аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар замон талабларига жавоб бермас эди. 2001 йилда хонадонларни газлаштириш даражаси вилоят бўйича 58 фоизни, қишлоқ жойларида эса 51 фоизни ташкил этди. Бу эса мамлакат миқёсидаги энг

паст кўрсаткичдир. 2001 йил давомида газ ва сув тармоқларини ишга тушириш суръатлари янада пасайиб, Бандихон, Қизирик, Қумқўргон, Шеробод туманларида 2-3 бараварга камайди. Вилоятда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бирорта ҳам муқобил корхона ташкил этилмади. Аҳолининг ўсиш суръатлари йилига 33 минг кишини ташкил этган бир пайтда янги иш ўринлари яратишга старлича эътибор берилмади. Натижада ишсиз фуқаролар сони салкам 40 минг кишига етди. Бандихон, Денов, Термиз, Узун туманларида меҳнат бозоридаги вазият кескинлигича қолди.

Қашқадарёдаги вазият ҳам яхши эмас эди. Табиий иқлим шароити қулай, ери ҳосилдор бўлишига қарамадан, вилоятда 1998-1999 йилларда кўзда тутилганидан 57 минг тонна пахта кам етиштирилиб, давлатга пахта сотиш режалари бажарилмади. Фақат 1999 йилнинг ўзида вилоятдаги 14 та тумандан 9 таси, пахта етиштиришга ихтисослашган 176 та хўжалиқдан 96 таси давлат буюртмасини бажара олмади. Баҳористон, Ғузор, Нишон, Муборак туманларида ҳосилдорлик гектарига 15-17 центнерга тушиб қолди. Бу кўрсаткич 36 та хўжалиқда 20 центнердан, 26 та хўжалиқда 15 центнердан, 9 та хўжалиқда эса 10 центнердан ошмади.

Қишлоқ хўжалигидаги ночор ахвол ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга имкон бермади. 1999 йилда вилоят бўйича аҳолининг 26 фоизи тоза ичимлик суви билан, 42 фоизи табиий газ билан таъминланмади. 2000 йилда ҳукумат қарори билан режалаштирилган 56 та қишлоқдан фақат 21 тасига табиий газ, 45 та қишлоқдан атиги 6 тасига ичимлик суви етказиб берилди [3]. Шундай оғир бир шароитда, бутун хўжалиқ тизимини тубдан ўзгартириш ва аграр ислохотларни жадал амалга оширишдек машаққатли вазифа кун тартибидеда турган долзарб вазифа эди. Бор куч ва эътибор – мамлакат иқтисодиётини кўтариш, халқ фаровонлигини ошириш ва ялпи ички маҳсулот ҳажминини кўпайтиришга қаратилди.

Қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий муаммоларини ҳал этиш мақсадида 2005-2007 йиллар давомида, Республика бўйича, асосан қишлоқ жойларида қарийб 1 миллион 650 минг квадрат метр турар жой, 490 километрдан ортиқ табиий газ, салкам 700 километрлик ичимлик суви тортилди. Шу туфайли ичимлик суви билан таъминлаш 2007 йилда 55 фоиздан 64 фоизга кўпайди. Аҳолини газ билан таъминлаш 44,6 фоиздан 67,1 фоизга, жумладан, қишлоқда 19,3 фоиздан 53,6 фоизга ошди. Аммо Қашқадарё вилояти мамлакатимизни 96 фоиз табиий газ билан таъминлагани ҳолда, Чироқчи тумани бор-йўғи 9,9 фоизга газлаштирилган эди [4].

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини ошириш, кундалик аҳоли эҳтиёжларни таъминлаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди [5]. Шу муносабат билан қабул қилинган дастур қишлоқ ёшларининг хунармандчилик, касаначилик, бизнес билан шугулланиши, ҳар бир хонадонда хунармандчилик корхонларини ташкил этишга имкон берди. Жанубий вилоятларида аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш, ишсизликни олдини олиш, янги иш ўринларини яратиш, замонавий бошқарув тизимини қишлоқ ҳаётига жорий қилиш, хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиқ йўналишида тажриба орттириб келган мутахассисларни иш билан таъминлаш, уларни қишлоқ хўжалиқ техникаси билан яхшироқ таъминлаш учун зарурий маблағлар ажратилди.

Амалга оширилган ишлар туфайли 2012 йили Қашқадарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот 4,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,3, капитал қўйилмалар ҳажми 26,6, чакана савдо айланмаси 20,5, пудрат ишлари 12, хизматлар кўрсатиш 18,5 фоизга ўсди. 2012 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал тармоқларига 935,5 миллиард сўм ҳажмида кредит ажратилди. Ўз навбатида, кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 57,6 фоизга етди. Шуларга мос равишда ҳудудда бандлик дастурига кўра, 88 минг 790 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳисобига Сурхондарё вилоятида 2012 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,9, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,6, бунёдкорлик соҳасидаги кўрсаткич 17,2 фоизга, пудрат ишлари 11,6, капитал қўйилмалар 12,9, чакана савдо 12,7, халқ истеъмолчи моллари ҳажми 5,3 фоизга ўсди. Бандлик дастурига мувофиқ, 65 минг 955 та иш ўрни ташкил этилиб, шулардан 58 минг 894 таси қишлоқ жойларда очилди. Шу жумладан, аграр соҳа мутахассислари фаолияти билан боглиқ 40,1 минг иш ўрни яратилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилгани муҳим омил бўлди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этилиб, қишлоқларда йўл-транспорт ва коммуникация тармогини янада тараққий этди. Қишлоқларда янги иш ўринлари ташкил этилиб аҳолининг ижтимоий бандлиги мустаҳкамланди [6].

2013 йил қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиш, қишлоқ турмуш тарзини яхшилаш учун шарт-шароитларни яратишни белгилаб берди. Чунки қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзини юксалтирмай туриб мавжуд муаммоларни бартараф этиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолмоқда эди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқлар ҳаётини яхшилаш учун транспорт ва коммуникация соҳасини янада ривожлантириш, аҳоли учун намунавий лойиҳалар бўйича қурилатган уй-жойларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини бунёд этиш, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергия билан таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар амалга оширилди[6]

2009-2013 йилларда биргина Қашқадарё вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 3560 та турар жой бунёд этилди. Аҳолининг талаби инобатга олиниб, 2014 йилда яна 1172 та ана шундай уй-жой қурилиши режалаштирилди. Республика Президентининг 2013 йил 15 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Қашқадарё вилоятининг 30 та массивида намунавий турар-жой қурилиши белгиланди. Бу массивларда, шаҳарсозлик талабларига биноан, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, мактаблар, болалар богчалари, шифохона, ҚВП ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектлари ҳам ишга туширилди. Ғузур туманидаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинида қисқа фурсат ичида 390 та уй қурилгач, 250 га яқин оила кўчиб кирди. Шаҳарчада, шунингдек, тадбиркорлар ташаббуси билан 2 та нон цехи, шунча савдо дўкони, битта тикувчилик цехи, болалар богчаси, 400 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди[7]. Қишлоқ хўжалиги билан боглиқ лойиҳаларни бажаришда айрим жойларда сунъий тўсиқларга дуч келинди. Масалан, Китоб туманида 2012 йил давомида қишлоқ ҳудудларида аҳолини ижтимоий-турмуш тарзини кўтариш мақсадида озик-овқат саноатида 20 га яқин лойиҳа амалга оширилиб, юздан ортиқ иш ўринлари яратилган бўлсада, лойиҳа учун зарур маблағлар ўтказиб бериш махсус тўхтатиб турилди. Жумладан, тумандаги «Megapolis technology group» хусусий фирмаси Украина технологияси асосида йодланган ош тузи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кунига 10 тонна туз «Оқ дур» ва «Биллур» ёрликлари остида қадоқланиб, буюртмачиларга етказиб бериши кўзда тутилди. Бироқ иш ҳақининг вақтида берилмаслиги оқибатида мутахассислар иш жойидан кетиб қолдилар[8]. Уларнинг қўпчилиги чет элларга кетишга мажбур бўлишган. 2017 йилнинг якунига кўра, Қашқадарё вилоятидаги 97 мингдан ортиқ одам иш излаб чет элларга кетишган. Уларнинг асосий қисми қишлоқ аҳолиси бўлган. Бундан ташқари, кўп одамларнинг уйда норасмий хунар билан шугулланиши натижасида ижтимоий ҳимоя ва кексайганда нафақага чиқиш билан боглиқ қатор муаммоларнинг тугилишига олиб келди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти бошчилигида қишлоқларда ишсизликни тугатиш масаласида кўпгина амалий тадбирлар қилинмоқда. Сурхондарё вилоятида қишлоқ аҳли билан учрашувлар ва уйма-уй юриш натижасида аниқланган ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йилнинг февralида Шеробод туманидаги Гулистон маҳалласида «Бир миллион туп кўчат» акцияси ўтказилди. Ушбу акция доирасида маҳалла ҳудудидаги фойдаланишдан чиқиб қолган кенг адирликда барпо этилатган «Ёшлар боғи» дан кам таъминланган оилаларда яшаётган 120 нафар ишсиз йигит-қизнинг ҳар бирига 20 сотихдан ер майдони ажратилди. Ажратилган ерларнинг ҳаммасига арча ва анор кўчатлари экилди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 20 сотих ерда ўртача 200 туп анор парваришланади. Ҳар бир дарахт 50 килограммгача ҳосил беради. Бу эса одамларнинг турмушини яхшилашга хизмат қилади. Кўчатлар ҳосилга киргунига қадар бу ерда сабзавот экинларини экиб даромад олиш йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб қайд этиш зарурки, мустақиллик йилларида жанубий вилоятларда қишлоқларда ишлаб чиқариши ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиш, қишлоқ турмуш тарзини яхшилаш, ёшларни касб-хунар билан банд қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қишлоқнинг ўзида замонавий корхоналар ёрдамида қайта ишлаш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникация тизимини йўлга қўйиш ишларига эътибор берилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Бозор иқтисодиёти янгича иш юритишни тақозо этмоқда. «Ленин байроғи» газетаси, 1991 йил 28 июнь.
2. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т.: Шарқ, 2001. –Б. 338.
3. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш - юксалиш гарови. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзланган нутқи, 2000 йил 28 июль// Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар тўплами. 9-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –Б. 31-32,35.
4. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 5-ҳужжат, 2007 йил, 16 март. –Б. 29.
5. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг III сессияси материаллари. 2012 йил 14 февраль. –Б. 28.
6. «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 8 февраль, № 27 (5701).
7. «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 6 март, № 46 (5976).
8. «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 9 февраль, № 28 (5702).

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада мустақилликнинг дастлабки йилларида жаҳон мамлакатлари иқтисодий моделлари ўрганилганда уларнинг ўзларига хос бўлган андозаларга эга бўлганликларини ва Ўзбекистон ҳам ўзига хос йўлини танлаганлиги баён қилинган.

Калит сўзлар: бозор иқтисодиёти, қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш аграр соҳа мутахассислари, ислохотлар, ишсизликни тугатиш масаласи, аҳолининг кундалик эҳтиёжларни қондириш.

РЕЗЮМЕ:

В первые годы независимости на основе изучения экономических моделей стран мира, Узбекистан выбрал свой путь развития, в том числе в аграрном секторе. Основным фактором улучшения социальной жизни сельского населения является важность удовлетворения повседневных потребностей населения, на основе чего коренным образом менялось отношение специалистов сельского хозяйства к труду, укреплялось любовь к земле и профессиональная лояльность.

Ключевые слова: рыночная экономика, улучшение условий жизни в сельской местности, специалисты сельского хозяйства, реформы, проблема ликвидации безработицы, удовлетворение повседневных потребностей населения.

RESUME:

This article shows that in the first years of independence, when studying the economic models of the world, they had their own standards, and Uzbekistan also chose its own path. The main factor in improving the social life of the rural population is the importance of meeting the daily needs of the population, on the basis of which the attitude of agricultural specialists to work is radically changed, love for the land is strengthened, and professional loyalty is strengthened.

Keywords: market economy, improvement of living conditions in rural areas, agricultural specialists, reforms, the problem of eliminating unemployment, meeting the daily needs of the population.